4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг 25-32 моддалари асосида белгиланади.

## V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва бу холатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2 **"Пудратчи"** нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, **"пудратчи"** да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор холатларига кирмайди.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофик ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиққан тақдирда **"Буюртмачи"** ва **"Пудратчи"** ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун хужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро Иктисодий суди оркали хал этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1 Шартнома томонлар имзолаб, худудий Ғазначилик тизимидан (Узасбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга киради.

7.2.Томонларнинг келишувига кўра ишларнинг топшириш муддати аванс олинган кундан бошлаб **30** кунни ташкил этади.

7.3.Ишларини бажариш бўйича маблағ "Автомобиль йўлларни ривожлантириш Андижон ҳудудий мақсадли жамғармаси" томонидан "Буюртмачи"нинг махсус хисоб рақамига 2022 йил 31 декабрга қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.4. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси хам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1.Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумлада амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимларига пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишини кафолатлайди.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

| "БУЮРТМАЧИ" | "ПУДРАТЧИ" |
|---|---|
| Андижон минтакавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси | Шахрихон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси |
| Андижон ш. А.Йулдошев кучаси 30-уй. | |
| Тел/факс: 227-66-36 226-88-90 | |
| ш/х:30452186003230704512911801 8 | Шахрихон туман Р.Ёдгоров-112 |
| СТИР:304917491 | Ипатека банк АТИБ истиклол бўлими |
| ОКОНХ: 42110 | |
| Уз. Р .Молия Вазирлиги Ғазначилиги | |
| Ғазна х/в 23402000300100001010 | х/р; 22626000500273409001 |
| Банкнинг номи: МББ ХККМ | МФО; 00068 |
| МФО: 00014 | ИНН;200 292 828 |
| Ғазначилик булинмаси СТИР: 201122919 | |
| **Директор** **Т.Мирзаев** | **Директор** Р.Хусанов |

**Бош юрисконсульт:** **З.Джаборкулов**